

КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Т.Абдужабборова

Марғилон педагогика коллежи ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7762083>

Аннотация: Мақолада коллеж ўқувчиларининг билиш (ақлий), ижодий, ҳиссий қобилияти юқори бўлган шахсларнинг сифатлари ёритилган. Юқоридаги сифатлар намоён бўлган буюк алломалар, жаҳонга машҳур бўлган олим ва файласуфлар ҳақида фикр юритилган. Келажакда айниқса ижодий қобилиятли, истеъдодли, касбий қобилиятга эга бўлган мутахассислар Янги Ўзбекистонни яратишдаги роли баён қилинган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон-Учинчи Ренессанс, билиш қобилияти, ҳиссий қобилият, замонавий мактаб, креатив тафаккур, иқтидор, лаёқат, ақлий-ижодий қобилият, интеллектуал.

Жаҳон миқёсида бугун “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадамлар қўймоқда. Фахрланарлиси шуки, ҳозирги кунда кўплаб билимли, чет тилларини ва замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган навқирон ёшлар ҳаётимизга кириб келмоқда. Шунинг учун уларга кенг йўл очиб бериш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш, давлатимиз, Президентимиз эътибор марказида турганлиги кучимизга куч қўшмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлис ва халқимизга мурожаатномасида кириб келган 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном бердилар.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 30-июнь – Ёшлар куни, деб белгиланган. Янги Ўзбекистонда келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш ёш авлодни қўллаб – қувватлаш мақсадида эълон қилинган бу шукухли байрамни кенг нишонлаймиз ҳамда қобилиятли, истеъдодли ёшларни кашф этамиз ва уларни рағбатлантирирамиз.

Мустақилликнинг илк йилларидан то шу кунгача Ўзбекистон Республикасида қобилиятли ёшларни аниқлаш, креатив тафаккури, креативлик сифатларини ривожлантириш, уларга таълим-тарбия бериш ва қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилган бошланди. Қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижодий фаолиятга рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Умид», «Эл юрт умиди», «Улуғбек» ва «Истеъдод» жамғармалари, “Ниҳол” ва “Зулфия” мукофоти танловлари, “Янги авлод” ва “Ёшлар овози”, “Ёш китобхон”, кўрик танловлари, “Илҳом”

жамоат фондлари ана шу эътиборнинг ёрқин кўринишидир. Бундай кўрик-танловлар минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этганлиги эса Ватанимиз равнақидаги ютуқлар ҳисобланади.

Барчага маълумки, асосий тушунча бўлган “қобилият” атамаси ҳамда у билан синоним сифатида қўлланилувчи “иқтидор”, “истеъдод”, “салоҳият” атамаларининг моҳияти мавжуд манбаларда турлича ифодаланса-да, бироқ уларни мазмуни ўзаро ўхшаш қирралар ҳам мавжуд. Чунончи, шахснинг ҳар қандай ўзига хос хусусиятлари туғма бўлиб, у жуда ёшлиқданоқ намоён бўлади. Манбалардан маълумки, З.М.Бобур буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласининг асосчиси, теурий шахзода. У адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган. Бобур Теурийлар наслидан бўлсада, ёшлигидан отаси саройида устозлар раҳбарлигида илмларнинг асосини эгаллади. Мирзо Улуғбек ҳам ёшлигидан юксак савияли, иродали, зўр билимдон бўлган. Қобилият, иқтидор, истеъдод ва салоҳият ҳам зарур шарт-шароитлар, муҳит мавжуд бўлган вақтдагина юзага чиқишини биламиз.

Буюк аллома Алишер Навоийнинг шоирлик истеъдодини шаклланишида муҳит ва ота-онанинг таъсири жуда катта рол ўйнаган. Алишернинг отаси Ғиёсиддин кичкина бадий адабиётни жуда севар эди. Уларни хонадонларида шеърхонлик кечалари ўтказиш одат тусига кирган эди. Абу Райҳон Беруний ҳам, болалигидан анча талабчан ва билимга иштиёқи зўр бўлган. Оддий оиладан чиққан буюк олимдир. Демак, индивидуал ёндошув, доимий ўқиб-ўрганиш ва ҳаракат уларни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Масалан, Исаак Ньютон гений ёки жуда катта ақл эгаси. У Англиянинг Вульстрон қишлоғида оддий фермер оиласида туғилди. Бувасининг тарбиясида, етимликда машаққатли меҳнат қилиб, жаҳонга машҳур олим бўлди, барча ҳавас қиладиган шахс сифатида танилди.

Ижодий қобилият индивидуал хусусиятга эга хислат бўлганлиги боис педагогик коллежларнинг ҳар бир ўқувчисида унинг мавжуд эканлигини ўрганиш талаб этилади. Бу эса ўта мураккаб жараён бўлиб, мутахассисларни жалб этиш ва алоҳида ташкилий-техник ва педагогик тайёргарлик асосида иш кўришни тақозо этади. Бу жараёнда қобилият негизида акс этувчи психологик хусусиятлар инобатга олиниши жуда муҳимдир. Шу сабабли узоқ вақт изланишларимиз ўлароқ мақолада шахс қобилиятининг психологик жиҳатларини ёритиш мақсадга мувофиқ, деган тўхтамга келдик.

Махсус адабиётларда шахс қобилиятининг моҳиятига кўра қуйидагича гуруҳланиши кўрсатилган:

- 1) билиш қобилияти;
- 2) ижодий қобилият;
- 3) ҳиссий қобилият

Билиш қобилияти сўнгги 25 йил ичида америкалик психологлар томонидан кенг қўламда махсус ўрганилиб келинмоқда. Айни вақтда у “ақлий-ижодий қобилият” сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Олим Гильфорд ва унинг издошлари шахсининг ақлий қобилияти даражасини белгиловчи 16 омилни асослаганлар. Жумладан, қўчувчанлик, равонлик, тафаккур аниқлиги, ўзига хослилиги, муаммони излашдаги зийраклик ва бошқалар.

Интеллект бўйича ҳам ижодий қобилиятли ўқувчи зукко, зеҳни тез, моҳиятни аниқлик билан чуқур англаш, хотира ва ёдлаш қобилияти, билимни тез эгаллашга, тинимсиз изланишга эга бўлиши лозимдир.

Юнон подшоҳи Файлакус ўз фарзанди бўлмиш Искандарга Арасту(Аристотель) илму ҳикматни доноликнинг бутун сиру асрорини ўрганиб олишига куч-қудратини сарфлайди. Искандар ўта қобилиятли бўлгани ва хунарга иштиёқи зўр бўлгани учун ҳам илмнинг талай соҳаси бўйича катта мувоффақиятларга эришди.

Буюк истеъдод эгаси гений олим Леонордо да Винчи оддий оилада туғилди. Лекин машҳур ҳайкалтарош ва рассом В.Веракко қўлида таълим олиб, камол топди. Жаҳонда буюк рассом бўлиб етишди. Махсус истеъдод ва қобилиятга эга бўлган шахслар ижодий қобилиятини намоён қила олади, таълимга янгича ёндашади, кўп адабиётларни мутоала қилади, илмий ижодий изланади, миллий қадриятларни эъзозлайди ва Ватанни севиш, шеъриятни чуқур тушуна олиш, эркин фикрлаш, изланувчанлик каби қобилиятлар кучли бўлади.

Педагогик коллежларда эса ташкил этилувчи машғулотлар ҳамда аудиториядан ва таълим муассасасидан ташқари шароитларда ўқувчиларнинг “Интеллектуал ринг”, “Заковат”, “Ўйла, изла, топ!”, “Иқтидорлилар орамизда”, “Ўткир зеҳнлилар” каби интеллектуал ўйинлар ёки амалий тренингларга фаол жалб этилиши уларнинг ақлий қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради. Уларда ижодий-ақлий мушоҳада юритиш малакалари ривожланади, креатив тафаккурлари бойиб боради.

Зеро, «қобилиятли болалар жуда ёшлиқданоқ воқеа-ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини англай олиш ва уларга мувофиқ хулосалар чиқариш лаёқатига эгаликлари билан ажралиб турадилар.

Коллеж ўқувчиларининг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш, қўшимча касб-хунарга

ўргатиш, ижодкорлик, хиссий ва ақлий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида “Компьютер технологиялари ва оператори”, “Инглиз тили ўргатувчи тарбиячи”, “Ўйинчоқлар ясаш”, “Тадбиркорлик ва бизнес”, “Ҳамширалик”, “Мукааррамахоним издошлари” номли қисқа курслар ташкил этилган. Ўқув курслари якунида улар ўрганган билим, кўникма ва малакаларини кўргазмалар кўринишида тақдим этадилар, сертификатлар билан тақдирланадилар.

Ҳақиқатдан ҳам Имом Бухорий бобомиз тўплаган ҳадисларидан бирида: “Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидур” деб таъкидланган. Шунинг учун ҳам илм йўқ жойда қолюқлик, жаҳолат ва албатта йўлдан адашиш бўлади. Энг катта бойлик-бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик-бу билимсизликдир. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Чунки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик, нодир истеъдод эгаларини тарбиялаб, камолга етказишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқлигини Президентимиз алоҳида таъкидлаган.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур”, деган сўзлари бугун ҳам долзарблигича қолмоқда.

Ўқувчиларнинг билиш (ақлий) қобилияти билан бевосита фикрий ва амалий ҳаракатлари ҳамда илм-фан ёки билиш соҳасинининг маълум ёналишларида юқори натижаларни қайд этиш орқали академик ютуқларга эришишни кафолатловчи қобилиятлар сифатида эътироф этилган.

Масалан, математик қобилият – шахсда ҳисоб-китоб, ўлчаш ва предметларни тартибга солишга катта қизиқиш юзага келади, ёшига нисбатан математик қонуниятларни тушуниш лаёқати шаклланади, математик рамзлар (рақамлар ва белгилар)ни осон тушуниш ва ёдда сақлаб қолишни намоён этади, кўпайтириш ва бўлишга оид ҳар қандай операцияни осонлик билан бажаради, йирик ҳажмдаги вақт ҳисоби ва пулларни ажрата олади, математикага алоқадор бўлмаган машғулотларда ҳам математик тушунча ва кўникмаларини намойиш этади. Инсон ўзининг ақлий қобилиятини интеллектуал истеъдодини тарбиялаш ва ривожлантириш учун ҳаракат ва яна ҳаракат, доимий ҳаракат қилиши ҳамда қуйдагиларга риоя қилиши лозим.

- 1.Зукколик – зеҳн ўткирлиги - масалани тез ҳал қилиш.
- 2.Фаҳм тезлиги – мураккаб масала ичидан энг муҳимини танлай билиш.
- 3.Зеҳн равшанлиги – масалани қийинчиликсиз осон ёл билан ҳал қилиш.

4. Масалани чуқур англаш – маълум позицияда туриш.

Табиий фанлар (биология, физика, география)ни ўзлаштиришга бўлган қобилият – табиий-илмий ва амалий тажрибаларга нисбатан қизиқиши кучли, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг сабаб-оқибат муносабатларини тушуна олади, ўзига хос абстракт хотирага эга бўлади.

Ўқишга бўлган қобилият – бундай қобилиятга эга шахс кўп ўқийди, мулоқот жараёнида бой сўз захираси ва мураккаб синтаксис тузилмалардан фойдаланади, мутола жараёнида диққатини узоқ вақт сақлаб тура олади, ўқиладиганини яхши тушунади ва уларнинг моҳиятини тўғри англайди, хотирасида рамзлар, ҳарфлар ва сўзларни узоқ вақт сақлай олади, ёдлаш қобилияти яхши, эса сақлаш қобилияти ривожланади, ифодали ўқиш орқали иқтидорини намоён этади, алоҳида нотиклик маҳоратига эга бўлади. Олимларнинг фикрича, ҳатто таланти кишиларнинг ҳам гарчи одатда иш қобилияти ғоятда зўр бўлади, ўз лаёқатларини рўёбга чиқармоқ учун сидқидилдан ишлашлари керакдир.

Буюк мутафаккир, воизлик санъатининг йирик намоёнчаси Ҳусайн Воиз Кошифий жуда кучли ва таъсирли нотик эди. Баланд овозда яхши ваъз қилгани учун олимлар ва фозиллар ўзларига хос мажлисларига таклиф қилар эди.

Спорт қобилияти - бунда шахматга бўлган қобилият, шахмат катакларининг номланиши (рақамланиши), доналарнинг вазифалари ва уларнинг ҳаракатланиш йўналишларини яхши билади, операцияларнинг номланишини бехато айта олади, ўйин қоидаларини ёдида яхши сақлайди, ўйин жараёнида ҳар бир юришнинг сабаб ва оқибатини таҳлил эта олади, бир неча позициядан сўнг вазиятнинг ўзгаришини башоратлай олади, мураккаб шахмат операцияларини қўллай олади.

Таниқли педогог Абдулла Авлоний “Баданнинг саломат, қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки уқимок, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Болаларда фикрлаш иқтидорини ҳосил қилиш учун фикр тарбияси бениҳоя зарурдир”.

Буюк олим Фаробий инсоннинг борлиқни била олишини қайд қилиб, инсоннинг билиши, унинг рухий қобилиятларини инсон мияси бошқаради, барча рухий “қувватлар” жумладан билиш қобилияти унга боғлиқ дейди. У билиш (ақл) муаммосини чуқур таҳлил қилиб, бу ҳақида ақл, бир томонда, рухий жараён иккинчи томондан, ташқий таъсир яъни таълим-тарбиянинг натижаси дейди. Ақл фақат инсонгагина хос бўлган рухий куч билан боғлиқ қобилиятдир. Билиш (ақл) инсонни

хайвондан ажратиб турувчи асосий омилдир.

Билиш қобилияти юқори бўлган шахс ўзида қуйидаги сифатларни намоён этади:

Билиш қобилияти юқори бўлган шахс сифатлари

Йирик ҳажмдаги ахборот манбаига эгалик	Яширин ўзаро боғлиқлик ва алоқаларни кўра олиш малакасига эгалик
Зарур ахборотларни йиғишда муқобил йўл (вариант)лардан фойдалана олиш малакасига эгалик	Билдирилаётган қарама-қарши фикрларга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш малакасига эгалик
Ўзлаштирилган билимни янги материал билан боғлай олиш малакасига эгалик	Ахборотларни муайян туркумлар бўйича боғлай ва ажрата олиш малакасига эгалик
Сабаб ва оқибатларни аниқлай олиш малакасига эгалик	Жараён ва унинг натижаларини баҳолай олиш малакасига эгалик
Зарур ахборотларни йиға олиш қобилиятига эгалик	Оқибатни олдиндан кўра билиш малакасига эгалик
Хулосалар чиқара олиш малакасига эгалик. Бой луғат заҳирасига эгалик	Асосли фаразларни илгари сура олиш малакасига эгалик
Вазиятни таҳлил эта олиш малакасига эгалик	Мақбул ғояларни амалиётда қўллай олиш малакасига эгалик

Иқтидорли шахс қобилиятнинг яна бир кўриниши – бу ижодий қобилият саналади. Кузатувчанлик, хотиранинг мустаҳкамлиги, образли тасаввур ҳосил қилиш, ижодкорлик, мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, янгиликлар яратишга интилиш, изланувчанлик, ўз-ўзини танқидий баҳолаш, фантазияга бойлик кабилар ижодий қобилиятга эга шахсга хос сифатлардир.

Ижодий қобилиятни ривожлантириш доимий равишда бадиий асарларни ўқиб бориш, кино, театр, мусиқа, ҳунармандчилик ва тасвирий санъат намуналари билан танишиш, асарлардан баҳраманд бўлиш, уларга нисбатан шахсий баҳо бериш ҳамда кўпроқ табиат қўйнида бўлиш асосида ривожланиб боради.

Машҳур психолог Ф.Гальтон томонидан шахс алоҳида қобилиятга эга бўлгандагина ижодий фаолиятни ташкил эта олиши мумкинлиги тўғрисидаги қарашни илгари сурган ва ижодкор шахсга хос бўлган психологик сифатларни ўрганган. Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб эса шахс қобилияти, иқтидори ва салоҳиятини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳамда ёндашув илм-фан ва техника тараққиёти туфайли кескин ўзгарди. Чунки, унга қадар махсус тестлар инсон ақлий қобилиятини паст даражада баҳолаш ва ўзига хослик, ностандарт тафаккур намоён бўлган вазиятларда ижодий

қобилият даражасини баҳолай олмас эди. Бу даврда шахс ижодий қобилияти белгиларини аниқлашга хизмат қилувчи янги тестлар тизими яратилди. Америкалик психолог Е.Фромм “ижодкорлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлайди: “Ижодкорлик ҳайратланиш ва англаш, турли ностандарт вазиятларда қарорлар қабул қилиш малакаси, янгиликларни яратишга интилиш ҳамда шахсий тажрибаларни чуқур англашга бўлган лаёқатдир”. Ижодий қобилият юқори бўлган шахсда қуйидаги сифатлар намоён бўлади.

Ижодий қобилияти юқори бўлган шахс сифатлари

Таваккал қилиш қобилияти	Бой тасаввурга эгалик. Янгилик яратиш қобилиятига эгалик
Фалсафий фикрлаш қобилияти	Ички сезгининг ривожланганлиги. Юксак бадий қадриятларга эгалик
Фикр юритиш ва ҳаракатни ташкил этишдаги тезкорлик	Турли вазиятларни бирдек қабул қилиш ва уларга жавоб бериш қобилияти
Тафаккур тезлигига эгалик	Ўзига хос (оригинал) ғояларни илгари сура олиш қобилияти

Педагогик коллеж ўқувчиларида ҳиссий ва ижодий қобилиятнинг уйғун бўлиши таълим-тарбия жараёнининг фаол субъектлари – ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларнинг мўтадил кечишини таъминлайди ва юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятларнинг олдини олади, уларни бартараф этишга ёрдам беради. Ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятини инобатга олиш ва унга мувофиқ ёндошиш, шунингдек, ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри тушуниш, айтаётган сўзларига ишонч билдиришда бўлажак педагогларнинг ҳиссий қобилиятга эга бўлишлари муҳим аҳамият касб этади. Шарқнинг машҳур алломаси Абдурахмон Жомий инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини ўзгартириш, яхшилашда тарбиянинг куч-қувватига таянади. Баъзи одамлар табиатан қобилиятли ва айримлари эса ўқувсиз, ноқобил бўлади. Аммо бундай қарашлардан қатъий назар, Жомий тарбия ва илм орқали кишига яхши хулқ эгаси бўлишига, ижобий фазилатлар касб қилишига ишонади. Бола дунё қарашининг камол топишида у мактаб ва муаллимнинг ролига катта баҳо берилади. Кишилар туғилишида ёмон бўлиб туғилмайдилар. Ҳиссий қобилиятлари эса ўқувчиларнинг таълим-тарбия, ижтимоий ҳаёти давомида ҳосил бўлади. Ҳиссий қобилияти юқори бўлган шахсда эса қуйидаги психологик сифатларнинг кўзга ташланиши характерлидир :

Ҳиссий қобилияти юқори бўлган шахсларнинг сифатлари

«Менлиги»ни англай олиши. Танқидга нисбатан сабрли бўлиш	Ички рағбатга эгалик. Ўз кучи ва қобилиятига ишониш
Атрофдагиларга ҳурмат кўрсатиш. Одамларни яхши кўриш	Фикрлаш ҳамда фаолиятда мустақил бўлиш. Юмор ҳиссига эгалик
Бошқаларнинг ўзига хос хислатларига тоқатли бўлиш	Ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўз-ўзини бошқариш лаёқатига эгалик
Ахлоқий меъёрларга ҳурмат билдириш. Ўзини таҳлил қила олиш лаёқатига эгалик. Моддий ва маънавий омилларни ажрата олиш лаёқатига эгалик	Мусобақалашиш малакасига эгалик. Турли хилдаги тақдирланишларни. Топшириқларни бажаришдаги тиришқоқлик

Коллеж ўқувчиларининг ақлий, ижодий, креатив фикрлашлари, ҳиссий ҳамда касбий-педагогик қобилиятларининг ривожланиши келажак авлод ютуғидир. Уларни Янги Ўзбекистон-Учинчи Ренессанс шиори атрофида бирлаштиришга қаратилган қобилиятли, истеъдодли ўқувчиларни тарбиялаш мақсадида замонавий, хорижий мамлакатлар тажрибасидан, ўқув режалари, ўқув дастурлари, миллийлигимизга боғлаб, Президент, Ижод, Ихтисослаштирилган мактаблар, Темурбеклар мактаби, Жасорат мактаби ва “Янги Ўзбекистон” Университети ташкил этилди. Мамлакатимиз ёшлари учун “Замонавий мактаб” дастури қабул қилинди. Бу тизимли таълим дастурлари барча ўқувчиларнинг ижоди, ақлий қобилияти, мустақил билим олишлари, эркин фикрлашларига асос бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ўзига хос жихатлари Янги Ўзбекистон ёшлари истеъдодини кашф этиб, янгидан янги чўққилар сари етаклайди.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Т. Ўзбекистон, 2022 . 8-25-229-254-255-б.
2. Уватов.У. Ўзбекистон халқаро ислом академияси. Буюк юрт алломалари. Т.Ўзбекистон, 2022. 29-85-276-350-б.
3. Мерлин В.С. Психология индивидуальности /Под ред. Е.А.Климова. – Воронеж. НПО «Модек», 1996. – 448 с.
4. Юсупова К. Ўқувчиларда креативлик компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: Автореф. дисс. ... пед.фан.бўйича фалсафа доктори(PhD) -Т.: 2022. - 12б.